

**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида 2024 йилда
ўтказилиши режалаштирилаётган республика миқёсидаги анжуман
АСОСНОМАСИ**

1. Анжуман мавзуси: Ўзбек тили стилистикаси ва прагматикаси масалалари.

2. Анжуман мақоми: Республика миқёсида.

3. Анжуманини ўтказиш учун асос бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармоишлари ва бошқа манбалар. Ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 29-октябрдаги “Илм-фанни 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6097-сон фармони Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 20-октябрдаги “2020-2030-йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2020-2030-йилларда амалга ошириш дастури” ги ПФ-6084-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 4-октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида» ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ги ПҚ 4479-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 21-октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5850-сон фармони асосида ўтказилади.

4. Анжуманнинг илмий йўналиши, мақсади ва вазифалари: Мазкур анжуманнинг илмий йўналиши ва мақсади ўзбек тили стилистикаси ва прагматикаси масалалари: ўзбек тили стилистикаси ва унинг замонавий йўналишлари, ўзбек тили функционал услублари: муаммолар ва ечимлар, “Давлат тили ҳақида” ги Қонун ва унинг ижроси масалалари, ўзбек прагматингвистикаси ва унинг долзарб масалалари ҳамда ўзбек тилшунослигининг замонавий йўналишлари тараққиётининг бугуни ва истиқболи масалаларини илмий ва амалий жиҳатдан чуқурроқ асослаш ва бу орқали соҳа мутахассислари, ёшлар ва талабаларни тилшунослигимизнинг мазкур соҳалари билан батафсилроқ таништиришни кўзда тутати. Анжумандан олинган илмий-назарий ва амалий хулосалар асосида ўзбек тили стилистикаси ва прагматикасига доир устувор вазифалар белгилаб олинади, улар асосида муайян таклиф ва хулосалар берилади.

5. Муҳокама қилинадиган муаммолар. Анжуманда ўзбек тили стилистикаси ва прагматикаси масалалари, бу борада жаҳон ва ўзбек тилшунослигида амалга оширилган тадқиқотлар кўлами, уларнинг мазмун-мундарижаси ҳамда мазкур соҳаларнинг ечими ва муаммоларига доир масалалар муҳокама қилинади:

- Ўзбек тили стилистикаси ва унинг замонавий йўналишлари.
- Ўзбек тили функционал услублари: муаммолар ва ечимлар.
- Ўзбек прагматингвистикаси ва унинг долзарб масалалари.
- Ўзбек тилшунослигининг замонавий йўналишлари тараққиёти.

6. Ўтказиладиган анжуманнинг Давлат илмий-техник дастурлари, халқаро илмий ҳамкорлик дастурлари билан боғлиқлиги. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Давлат илмий-техник дастурлари (Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети) билан боғлиқ.

7. Анжуман натижаларидан кутилаётган илмий, ижтимоий, иқтисодий самарадорлик.

1. илмий самарадорлик – бугунги тилшунослигимизда стилистика ва прагматика соҳалари кесимида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, уларнинг кўлами ва мавжуд

йўналишлардаги тадқиқи, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларига доир аниқ таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Бу борада соҳа мутахассислари ва етакчи тадқиқотчи олимларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилади.

2.Ижтимоий самарадорлик – анжуман илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари салоҳиятини кўтаришда, илмий-тадқиқот ишларини кучайтиришда, ўқув жараёни сифат ва самарадорлигини оширишда ҳамда юқори малакали мутахассислар (катта илмий ходимлар ва магистрлар) тайёрлаш самарадорлигини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, конференцияга тақдим қилинган ишларни Ўзбекистон Республикаси Ўзбек тилшунослиги фани соҳаларига татбиқ қилиш учун тавсиялар ишлаб чиқилади.

8.Илмий анжуманда ёш олимлар, мутахассислар, докторантлар ва магистрларнинг иштирок этиши. Ёш олимлар, изланувчилар, магистрлар ва иқтидорли талабалар анжуман йўналишига мос мавзулар бўйича иштирок этишлари мумкин.

9.Анжуманни ўтказишда республикада мавжуд соҳа ташкилотларнинг иштироки. Анжуманда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Республикамиз миқёсидаги олий таълим муассасаларидан ўзбек тили ва адабиёти йўналишида тадқиқот олиб бораётган мутахассислар иштирок этиши мўлжалланган.

**Илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректор**



Ҳ.Хушвақтов